



Ishonch

Мохият
Эзгуликдан бир қалъа барпо айланг-ким, маҳкамликда анга ҳеч нарса тенг бўлмас.
 Жалолиддин Румий

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Йўллар кенг ва равон бўлмоқда

Йўлларни мамлакат иктисодиётининг қон томирларига қиёслашди. Дунё микёсида ўзаро интеграциялашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги шароитда халқаро йўлларнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Ўзбекистон миллий автомагистралининг Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнов қисмини жаҳон андозалари даражасида реконструкция қилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда.



Жорий йилда ушбу халқаро автомагистралнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи 132 километр узунликдаги қисмида катта ҳажмда реконструкция ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, 54 километр масофада тупроқ ишлари бажарилиб, 28 километрлик йўл реконструкция қилинади ҳамда 10 километрга тўрт қаторлик асфалт қопламаси, 40 километр узунликда асфалт-бетон қопламаси ётқизилади.

Йўлсозларга узлуксиз сифатли асфалт-бетон қопламаси етказиб бериш мақсадида Қанликўл туманида янги завод қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Трансйўлқурилиш» давлат унитар корхонасининг Шимоли-Ғарбий таянч пункти Нукус бўлимига қарашли ушбу завод соатига 160 тонна асфалт-бетон маҳсулоти ишлаб чиқаради. Корхонанинг ишга туширилиши 23 кишини доимий иш билан таъминлаш имконини берди.

А.ОРТИҚБОВ,
 ЎзА муҳбири

Суратларда: Қанликўл асфалт-бетон заводи бошлиғи Абдулла Авазжонов ва оператор Бекмурат Дуйсеков; оператор Мийрибек Досжанов. Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган суратлар

Янги кун янгиликлари

Адлия вазирлиги томонидан пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 28-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида семинар ўтказилди.

Муҳим тадбир

Унда вазирлик ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходимлари, ҳокимият, прокуратура, ИИББ, судлар, «Қамолот» ЁИХ, «Маҳалла» жамғармаси ва бошқа идоралар вакиллари иштирок этиб, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда уларда «одам савдоси» ва «одамлардан фойдаланиш» тушунчалари белгиланганлиги, одам савдосига қарши курашиш тизими, аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш орқали бу жиноятнинг олдини олиш каби масалалар ҳақида сўз юритилди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
 «Ishonch» муҳбири

Гулистон шаҳрининг 3-маҳалласида «Қомронбек савдо маркази» фаолиятини бошлади.

Аҳоли хизматида

Ундаги 10 та дўкон, 56 та савдо растасида нақд пул, пул ўтказиш, пластик қарточкалар орқали савдо қилиш мумкин. Савдо марказидаги шарт-шароит, пештахталардаги арзон ва сархил маҳсулотлар аҳолига манзур бўлмоқда.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш ҳажми ошиб бораётти. Шу йилнинг илк чорагида соҳани ривожлантиришга 3 миллиард сўм миқдордаги кредит маблағлари ажратилди.

Кўрсаткичлар юксалмоқда

Кўрсатилаётган хизматлар ҳажми эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,2 фоизга ошди. Аҳолига жами 367,7 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
 «Ishonch» муҳбири

Тўрақўрғон туманида қурилиш захиралари ишлаб чиқаришга эътибор кучаймоқда. «Оқтош» шаҳарчасида шағал саралаш, бетон тайёрлаш йўналишидаги яна бир шохобча ишга тушди.

Оқтош черепицаси

Маҳаллий тадбиркорлар А.Матқаримов ва С.Абдуллаев ташаббуси билан черепица ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада, ойига 1500 кв.метрдан зиёд қурилишбош ашё тайёрланмоқда. 12 нафар ишчи меҳнат қилаётган ушбу кичик корхонада янги турдаги маҳсулот — йўлак қопламалари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун ҳаракат қетапти.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
 «Ishonch» муҳбири

Обод қишлоқлар

тўйларини ўтказишади.

— Бундай замонавий, кўркам ва мустаҳкам уйлар қишлоқларимизга ҳақиқий шаҳар тусини берибгина қолмай, уй эгаларига узоқ йиллар хизмат қилади, — дейди Яқкабоғ туманидаги Шуллиқирғиз массивида барпо этилаётган намунавий уй-жойларнинг бош пудратчиси — «Яқкабоғ фаровони» иختисослашган қурилиш-таъмирлаш корхонаси раҳбари Аҳмад Темиров. — Маъзур ҳудудда тендер қиймати 3 миллиард 32,5 миллион сўмга тенг бўлган 50 та қаватли кotteж қураётган. Қурилиш ишларини қисқа фурсатда якунлаш мақсадида 300 дан зиёд кўли гул бунёдкорлар самарали меҳнат қилаётди.

Бундай бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларидан мақсад қишлоқларимизда қиёсасиз замонавий архитектура асосида тубдан янгиланиш, аҳоли турмуш маданиятини янада юксалтиришдир.

Назарали ТИЛЛАЕВ
 Қашқадарё

Эътироф

Бугунги кунда таълим тизимида ходимларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ушбу йилнинг янги бунёд қилинган кўчма кўмитаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Жамоа шартномасида белгиланганидек, маънавий-маърифий, ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси борасидаги тадбирлар кўнгилдагидек амалга оширилмоқда. Ҳафтанинг ҳар сешанбасида профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўтган ҳафта якуни ва янги ҳафта режаси ҳақида атрофлича ахборот беришади. Маъзур тадбирларда таъкидланган муаммоларни ҳал қилишда қасабақўм ва маъмурият мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ёшларга эътибор — келажакка эътибор

Қасаба уюшма қўмитаси учун кам таъминланган оилалар, ногирон ва боқувчисини йўқотган талабаларга эътибор қаратиш бирламчи вазифалар сирасига кирган бўлиб, ўтган йили 2 млн. 259 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан 2008-2009 ўқув йилида тарих, 2009-2010 ўқув йилида педагогика факультетларидаги икки нафар чин етим талабага бир йиллик шартнома пули тўлаб берилди. Бундан ташқари, вилоят кенгаши томонидан 4 нафар боқувчисини йўқотган ва чин етим талабаларнинг ҳар бирига шартнома миқдорининг муайян қисми ўтказилди. Байрам ва тантанали кунларда вилоят кенгаши эсдалик совға ва моддий ёрдамлари билан кўпнинг кўнглини олмақда.

Шунингдек, тармоқ Марказий кенгашининг иқтидорли ва жамоат ишларида фаол иштирок этган талабалар учун таъсис этган устама стипендиеси физика-математика факултетидан Нуриддин Комилов, Элёр Ғаниев, педагогика факултети миллий истиқлол ғояси йўналишидан Камола Кодирова, Иброҳимжон Мамадалиев, кимё-биология факултетидан Абдулхамид Обидов, филология факултетидан Беҳзод Мирзаев, жисмоний маданият факултетидан Дониёр Холмирзаевга топширилди.

Университетимиз жамоаси катта синов — «Универсиада — 2010» мусобақалари арафасида турибди. Жиддий тайёргарлик кўрган талабаларимиз барча саралаш турлари бўйича ғолиб бўлиб, университет раҳбарияти, қасаба уюшма қўмитаси ва аҳил жамоанинг ҳамкорлиги самарасидир. Ишончимиз комилки, жамоамиз асосий уррашуларда ҳам ғолибликни қўлдан бермайди.

Маҳфузахон АРАББОВА,
 Андижон давлат университети филология факултети 3-босқич талабаси

Қасаба уюшма ҳаёти

Сурхон воҳасида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига эътибор йил сайин кучайиб бормоқда. Айниқса, Термиз шаҳридаги кўркам бинолар, раён йўллар, ободончилик ишларини кўриб кўз қувонади. «Тошғузсар-Бойсу-Қумқўрғон» темир йўли, Термиз давлат университетининг янги биноси, ўнлаб коллеж, академик лицей ва мактаблар фикримизнинг ёрқин исботидир.

Муносиб ҳисса

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 сентябрдаги мажлисида Термиз шаҳрида «Бахт уйи» мажмуаси ҳамда 10 минг ўринга мўлжалланган Спорт мажмуаси қурилиши ҳақида сўз борган эди. Шу мақсадда, вилоят ҳокимлигининг «Бахт уйи»ни қуриш ташаббуси Адлия вазирлиги томонидан қўллаб-қувватлаб, замонавий меъморий ечимга эга ва никоҳ тўйи тантанасини ўтказиш учун барча хизматлар мужассам бетақдор мажмуа лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, футболни ривожлантириш ҳамда «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларининг якуний босқичи вилоятимизда ўтказилиши муносабати билан янги стадион қурилиши ҳақидаги хабар айти мударра бўлди.

«Бахт уйи» қошонаси қурилишини молиялаштириш асосан Адлия ва суд органларини ривожлантириш жамғармаси томонидан, 10 минг ўринли стадион қурилиши эса Инвестиция дастури

асосида ажратилган маблағ ҳисобидан, ҳар иккала объектнинг қолган қисмлари юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

«Бахт уйи» қошонаси ва стадион қурилишини жадаллаштириш мақсадида вилоятдаги жамоат ташкилотлари воҳа аҳлига мурожаат қилиб, ўз маблағи билан эзгу мақсадни амалга оширишга имкон қадар ҳисса қўшишларини сўради. Шунга кўра, «Термиз» аэропорти ишчи-ҳодимлари «Бахт уйи» қошонаси ва стадион қурилишига ҳиссаларини қўшиш ниятида бир кунлик иш ҳақини ажратди. Натижада, ташкилотчи ҳисоб рақамига олти миллион сўм маблағ ўтказиб берилди.

Зиёвуддин НАЖМИДДИНОВ,
 «Термиз» аэропорти қасаба уюшма қўмитаси раиси

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, яратувчанлик ва бунёдкорликдан чирой очайтган манзарарга гувоҳ бўласиз. Энг қувончлиси, қишлоқларимизда барча қулайликларга эга, замонавий ва мустаҳкам уй-жойлар барпо этиш борасида бошланган кенг микёсли ишлар жорий йилда ҳам изчил давом этмоқда.

Яна 735 та уй

— Мамлакатимиз Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди «Қишлоқ қурилиш инвест» иктисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси вилоят филиали директори Уйғун Азизов. — Ўтган йили Қамарши, Ғузур, Қарши, Китоб ва Қасби туманларидаги 5 та массивда 100 та намунавий уй-жойлар қурилиши бошланганди. Яқинда улар эгаларига топширилди. Ушбу замона-

вий турар жойларнинг барпо этилишига 5 миллиард 812 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Шундан 3 миллиард 483 миллион сўмини банк кредити ташкил этади. Бунёдкорлик ишларида ўзимизда тайёрланган сифатли, замонавий ва мустаҳкам қурилиш материалларидан фойдаланилди. Бу эса уларни арзон нархларда олиб келиш ҳамда иш ҳажминини ошириш имконини берди ва бу таъриба жорий йилда ишларимизда ҳам ўз аксини топмоқда.

Дарҳақиқат, қурилиш материалларига бўлган талаб ошиб бораётти. Шунга кўра,

жойларда кўплаб янги корхоналар фаолияти йўлга қўйилиб, ушбу эҳтиёжни таъминлаш баробарида минглаб иш ўринлари яратилишига ҳам эришилмоқда. Шаҳар қиёфаси ошган янги массивларда замонавий коттежлар қаторида ҳудуд бош режасига мувофиқ болалар боғчаси, мактаб, тиббиёт муассасаси, турли шарт шартлар билан қўшилган объектлари, кенг ҳамда равон йўллар барпо этилмоқда.

Жорий йилда вилоят бўйича белгиланган 20 та массивда (барча туманларда) намунавий лойиҳа асосида 735 та янги уй-жой қурилади. Ҳозиргача маъзур ҳудудларда қурилиш учун ер майдонлари ажратилиб, лойиҳаларни массивларга тақсимлаш тадбирлари якунланди. Айни пайтда пудратчи қурилиш

ташкilotлари аниқланиб, жойларда улар томонидан текшириш, пойдевор қўйиш, гишт териш каби ишлар бошлаб юборилди. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, шинам ошхона, кичик томо-рқа — буларнинг барчаси ҳодон эгасининг шаҳарликлардек турмуш кечиришига хизмат қилади, албатта.

Энг муҳими, «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар янги уй олиш истагида бўлганлар учун катта имконият яратмоқда. Буюртмачилар сони ортиб бораётгани ҳам шундан. Тайёр ҳолда топшириш шарт асосида қад ростилаётган 735 та уйнинг умумий тендер қиймати 44 миллиард 524 миллион сўмдан иборат. Насиб бўлса, уй эгалари август ойида ҳовли

Хисобот-сайлов конференциялари

Эътироф, талаб ва таклифлар

Таълим ва фан ходимлари касбаба уюшмаси Қарши шаҳар бирлашган кўмитасининг хисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда кўмита раиси Жамила Тўрақулванинг хисобот маърузаси тингланди.

— Юксалиш кўйдан юқорига қараб боришдир, — деди кўмита раиси. — Шундай экан, тармоқ касбаба уюшмасининг бошланғич бўғини иш фаолиятини яхшилашга кўп нарса боғлиқ. Биз касбаба уюшма мавқеини мустаҳкамлашга ҳар қанча ҳаракат қилмайлик, бошланғич ташкилотларда бу жараён суст кетса, мақсадга эришиш кўйин.

Шаҳар кўмитаси ўз олдига энг яхши касбаба уюшма ташкилотини ўрганиш, иш тажрибасини оммалаштириш, ўзаро тажриба алмашишни амалга оширишни мақсад қилиб қўйди.

Келгуси беш йиллик учун янги касбаба уюшма кўмитаси аъзолари сайланди. Янги ташкил этилган жамоа раислигига яна Жамила Тўрақулва номзоди маъқул кўрилди.

«Агар ҳаёт бўстон бўлса, боғбон муаллим». Бу мисраларга изоҳ шарт эмас. Ёш авлодга таълим ва тарбия бериб, уларни жамият учун нафи тегадиган инсонлар бўлиб воғга етишида камарбаста бўлаётган ўқитувчи ва мураббийлар ҳар қанча эъозланса, кам.

Таълим ва фан ходимлари касбаба уюшмаси Касби туман бирлашган кўмитасида бу борада олиб борилаётган ибратли ишлар ҳақида хисобот-сайлов конференциясида кўплаб мисоллар келтирилди.

— Педагог ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг асосий омил бўлган жамоа шартномаларини тузиш, уларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди, — деди кўмита раиси Б.Хидиров. — Жумладан, 2004 йилда иккита юридик шахс мақомига эга бўлган таълим муассасаларида жамоа шартномалари қабул қилинган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилга келиб 22 тани, 2010 йилга келиб эса 74 тани ташкил этди.

Янги сайланган касбаба уюшма кўмитасининг биринчи йиғилишида Бобомурод Хидировга яна ишонч билдирилди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тошлоқ тумани халқ таълими бўлими тасарруфида 48 та умумтаълим, 28 та мактабгача ва 6 та мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд. Касбаба уюшма аъзолари сони 4881 нафарни ташкил этади.

Янги 2010-2012 йиллар учун қабул қилинган жамоа келишуви ва жамоа шартномаларига кам таъминланган, шароити оғир ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг фарзандларини оромгоҳларда бепул дам олдириш, илғор ўқитувчи ва тарбиячиларни рағбатлантириш сингари бандлар киритилган. — Мен 29-мактабда ҳўжалик ишлари бўйича мудар вазифасида ишлардим, — деди А. Мирзаев. — Олдин ҳимояга муҳтож бўлмаганман ва касбаба уюшмалари ташкилотига ишим тушмаганди. Аммо 2009 йилда оғир хасталикка йўлиқдим. Даволаётган вақтим ёз ойларига тўғри келиб, мактабда таъмирлаш ишлари кетаётган эди. Мактаб директори ишга ярамасанг, аризангни ёз деб мени ишдан бўшатди. 4 ой мобайнидаги касаллик варакамга ҳақ тўланмади. Туман бирлашган касбаба уюшма кўмитаси раиси Усмонжон Давронов барча ҳўжатларни ўрганиб, ҳақ-ҳўққимни тиклашда катта ёрдам кўрсатди ва 414 минг сўм ҳаққимни ундириб берди. Тажрибамдан келиб чиқиб айтмоқчиманки, касбаба уюшма ташкилотининг фаол аъзоси бўлинг, ҳеч қачон ҳўққингиз топталмайди.

Конференцияда Усмонжон Давронов кўмита раислигига қайта сайланди. Йиғилишда Фарғона вилояти таълим ва фан ходимлари касбаба уюшма кенгаши раиси Собиржон Саидхўжаев иштирок этди.

Абдулхай ЮНУСОВ
«Ishonch» мухбири

Урганч туман халқ таълими бўлими билан бирлашган касбаба уюшма кўмитаси ўртасида имзоланган жамоа келишуви ва 55 та бошланғич касбаба уюшма ташкилотлари ва маъмурият билан имзоланган жамоа шартномалари бүгун фаолият давомида қанчалар кўл келганлигини бүгун барча эътироф этмоқда.

Буни кўйдиги рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди. Туманда устара олиб ишлайдиган ўқитувчилар сони мингга яқин. 2005-2009 йиллар давомида ижтимоий муҳофазасига муҳтож ходимлардан 97 нафарига 1.804.991 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 341 нафар ходим 2.715.077 сўм миқдорда моддий рағбатлантирилди.

Аъзолар саломатлигини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хисобот даврида 148 нафар ходим республика миқёсидаги санаторий-курортларда, 75 нафар ходим санаторий-профилакторийда ўз саломатликларини тиклаб қайтишди. Соҳа ходимлари фарзандларидан 64 нафари республика миқёсидаги, 431 нафари вилоятдаги сўлим оромгоҳларда дам олдирилди.

Бу каби далил ва рақамлар Таълим ва фан ходимлари касбаба уюшмаси Урганч туман бирлашган кўмитасининг хисобот-сайлов конференциясида тилга олиб ўтилди. Делегатлар бирлашган кўмита раиси М.Маримовнинг хисоботини диққат билан тинглаб, кўмита фаолиятини қониқарли баҳолашди.

Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва таъдиркорлар касбаба уюшмаси Марказий кенгашининг Шовот туман вакилликнинг хисобот-сайлов конференциясида юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда касбаба уюшмалари фаол иштирок этаётгани таъкидланди.

— Хисобот даврида нималарга эришдик, қандай камчиликларга йўл қўйдик, олдимизда қандай вазифалар турибди, ушбу саволларга жавоб топиш асосий мақсадимиздир, — деди касбаба уюшма вакили Баҳодир Сапарбоев вакилликнинг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан хисобот бераркан.

Конференцияда иштирок этган тармоқ касбаба уюшмаси Хоразм вилоят вакили Б.Ибрагимов туман вакиллик фаолиятини янада яхшилаш, айниқса, бошланғич ташкилотлар ишини самарали йўлга қўйиш юзасидан ўз тавсияларини берди.

Мухаббат ТўРАБОВА,
«Ishonch» мухбири

Мақсадимиз — жисмонан бақувват,

Навоий



Қўлочни кенг ёзиб яшанг!

Инсон табиатига болаликда сингдрилган фазилатгина мустаҳкам бўлади. Шунинг учун бола дунёга келган кундан бошлаб давлат, жамият ҳамда ота-она зиммасига уни соғлом, ақли, хушхўлқ қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилади.

Ўзбекистон Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ҳамда 2004 йил 24 августдаги «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ана шундай кенг қамровли вазифаларни бажаришга қаратилган. Уларнинг ижросини таъминлаш, болаларни спорт билан мунтазам шўғулланишга жалб қилиш борасида Навоий вилоятида

қатор ишлар амалга оширилаётир.

Жумладан, 2003 йилдан 2010 йилнинг шу давригача 53 та спорт иншооти қурилди. Уларга жамғарма хисобидан 743,8 млн. сўмлик спорт ускуналари ва анжомлари ажратилди. Шунингдек, 2006 йилдан бошлаб кам таъминланган оилаларнинг 10302 нафар боласига 553,4 млн. сўмлик спорт кийими етказиб берилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси хомийлик кенгаши йиғилишининг 2009 йил 19 январдаги баёни ижроси юзасидан ҳам қатор ибратли ишларга қўл урилди. Республика жамғармасидан ажратилган 579 комплек теннис столи вилоят умумтаълим мактабларига етказиб берилди. Бунинг натижасида белгиланган меъёр бўйича спорт гуруҳла-

ри очилса 6000 га яқин ўқувчи спортнинг мазкур тури билан шўғулланиш имконига эга бўлади.

Вилоятдаги спорт иншоотларида шўғулланувчи ўқувчилар 2003 йилда 2483 нафарни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 13552 нафарга кўпайди.

Эътиборли томони шундаки, спортчилардан 4495 нафари қизлардир. 2003 йилда 16 та спорт секцияси фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 398 гага етказилган.

Ҳар соҳада бўлгани каби спортда ҳам самарадорликка, аввало, мураббийларнинг жонқурлиги билан эришилади. Шунинг учун айни даврда уларнинг мутасил малака оширишини таъминлашга эътибор қаратаймиз. Бугунги кунда

спорт ишшоотларида 266 мураббий ёшларга спорт сирларини ўргатиб келмоқда. Уларнинг 154 нафари олий ва 112 нафари ўрта-махсус маълумотига эга. 2010 йилда Тошкент жисмоний тарбия институтининг спорт факултетини 15 нафар аёл мураббий битириб, сафимизга қайтади. Навоий давлат педагогика институти жисмоний тарбия факултетини тугатаётган 306 нафар ёш мутахассиснинг 19 нафари қизлар. Уларни иш билан таъминлаш орқали спорт билан мунтазам шўғулланувчилар сонини янада оширишга эришамиз.

Болалар спортига берилаётган бундай эътибор самара бераётир. Вилоятимиз ёшлари «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақасининг республика босқичида 5 та олтин, 24 та кумуш ва 8 та бронза медалини кўлга киритди. Феврал ойида Навоий шаҳрида 1993-2000 йилларда турилган коллеж, лицей ва мактаб ўқувчилари ўртасида 36 кг. вазн тоифасида «Пахлавон» профессионал кураш клубининг республика очик биринчилиги ўтказилди. Унда вилоят ёшлари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни кўлга киритди. Бадий гимнастика бўйича халқаро мусобақаларда 2 навоийлик спортчи — спорт устаси Уляна Трофимова ва халқаро тоифадаги спорт устаси Жамила Раҳматовалар мамлакатимиз нуфузини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Бундан ташқари, 2010 йили Грециянинг Солоники шаҳрида миллий кураш бўйича Ўзбекистон Президенти халқаро турнирида иштирок этган Азиз Темиров 3-ўринни эгаллаб, юртимизга ғалаба билан қайтди.

Умуман олганда, 2009 йилнинг ўзида спортнинг 14 тури бўйича республика биринчилигида вилоятимиз ёшларининг 46 нафари 1-ўрин, 16 нафари 2-ўрин ва 33 нафари 3-ўринни эгаллаб, мамлакат чемпионатида 7 та олтин, 4 та кумуш ва 6 та бронза медалини кўлга киритди.

Эртасиз эгаларига яратилаётган шароит ютуқларимиз бундан ҳам кўпаяди деб умид қилишимиз учун асос бўлади.

Собиржон ХАЙДАРОВ,
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Навоий филиали директори

Фарзандлар камоли — миллат бойлиги

Инсон учун тан-сихатлик ҳар доим энг муҳим зарурат бўлиб қолаверади. Шунинг учун барча эрқарвар давлатлар қатори юртимизда аҳолининг жисмонан ва маънан соғлом бўлишига алоҳида эътибор қаратилаётир.


Эл соғлиғи — юрт бойлиги дейишади. Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 365 та умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олаётган 190262 нафар ўқувчининг 136196 нафари жисмоний тарбия билан шўғулланади. Дардан ташқари спорт секцияларида шўғулланаётган 23838 та ўқувчининг 9130 таси қизлардир. Уларга 1160 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бериб келади.

Бошқарма тасарруфида 14 та спорт мактаби бўлиб, уларда 408 нафар мураббий 20 та спорт тури бўйича ёшларга сабоқ беради. Бугунги кунгача уларда 42 та спорт усталигига номзод, 81 та 1-тоифали, 2407 нафар 2- ва 3-тоифали спортчилар тайёрланган. Шу билан бирга, вилоят таълим муассасалари ихтиёрида 215 та спорт зали, 363 та волейбол, 203 та футбол, 280 та баскетбол, 130 та мини-футбол, 207 та қўл тўпи майдончаси, 5 та теннис корти, 8 та стадион ва бошқа иншоотлар бор.

Оммавий тус олган тадбирлардан яна бири босқичма-босқич бўлиб ўтган «Ёғиз таътил — 2009» мусобақасидир. Унинг вилоят босқичида 34775 нафар, туман ва шаҳар босқичларида эса 16828 нафар спортчи иштирок этган.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида олиб бораётган ишларимиз орасида спорт иншоотларига қатновчилар сонини янада ошириш, спорт секциялари фаолиятини жонлантириш, мураббийларнинг малакасини ошириш каби вазифалар ўрин олган. Фарзандлар камоли йўлидаги ишимиз ўзимизга жуда ёқад.

Сирож ПИРИМОВ,
«Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши раисининг ўринбосари



Қўлни қўлга бериб

Навоий вилоят касбаба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларига моҳир мураббийлар сабоқ бермоқда. Эришаётган натижаларимиз ҳам ёмон эмас. Утган йили Чирчиқда ўтказилган Учкун Муродов хотирасига бағишланган 15-халқаро турнирда 4 нафар спортчимиз иштирок этди. Дзюдо федерацияси томонидан ўтказилган вилоят биринчилигида 100

дан ортиқ шогирдимиз муносиб иштирок эттиди. Шунингдек, БУСМ ўқувчилари ўртасида Хоразмда ўтказилган республика биринчилигида шогирдимиз Ҳасан Назаров 66 кг. вазн тоифасида 3-ўринни эгаллади. Назаровга ўхшаган иқтидорли спортчиларимиз кўпчиликини ташкил қила-

ди. Дилмурод Мамасаидов, Амин Раҳмонов, Нафосат Турдубоева, Мафтуна Баратовалар шулар жумласидандир. Мактабнинг фаол мураббийлари ҳақида гап кетганда Нишон Шодиев, Насриддин Пиримов, Фазлиддин Ортоқовлар биринчилардан бўлиб тилга олинади.

Шу йилнинг феврал ойида Тошкент шаҳрида дзюдо бўйича халқаро турнир бўлиб ўтган эди. Унда иштирок этган вакилимиз Аҳмад Худойбердиев 3-ўринни эгаллади. Ана шундай ютуқлар март ойида Навоий шаҳрида ўтказилган вилоят очик биринчилигида ҳам қўлга киритилди.

Бир сўз билан айтганда, касбаба уюшмалари хомийлигида амалга оширадиган ишларимиз ҳали кўп. Инсонга наф келтиришдек улуғ мақсадни кўзлаб фидокорона меҳнат қилаверамиз.
Каромат ЖУМАНАЗАРОВ,
Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Маънан етук ва комил инсонни тарбиялаш

ВИЛОЯТИ

Юракда Ватан мадҳи

«Санъат аҳлининг нафаси бир ўтдирким, куруқ кўзни ёшлатур ва қаттиқ дилни юмшатуру». Буюк мутафаккир Алишер Навоий шундай деган.



Айни пайтда вилоят ХТБ тасарруфида 10 та болалар музика ва санъат мактаби мавжуд. Уларда 210 нафар педагог 1533 нафар болага сабоқ беради.

Мазкур муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини янада яхшилаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Кармана туманидаги 2-болалар

музика ва санъат мактабиде бу йил 1-тилдаги 150 нафар ўқувчига мўлжалланган бинонинг капитал таъмирланиши ниҳоясига етказилди. Хатирчи туманидаги 6-болалар музика ва санъат мактаби учун янги бино қурилади. Бир сўз билан айтганда, 2014 йилгача болалар музика ва санъат мактабларининг барчаси янги ёки мослаштирилган биноларда фаолият юрита бошлайди.

Ойбек МУХАММАДИЕВ, вилоят ХТБнинг Болалар музика ва санъат мактаблари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимаси мудир



Қизлар хиром этганда

Вилоят марказида кўплаб санъат корхоналари жойлашган. Уларга тегишли маданият ҳамда спорт саройлари яратилган имконияти билан болалар ва ҳатто катталар учун ҳам бебаҳо ижод масканига айланган.

«Навоийазот» ОАЖга қарашли «Ширин» маданият саройида 18 йилдан буён ишлайман. «Истиклол» рақс халқ бадий жамоасида турли ёшдаги қизларга сабоқ бераман. 1992 йил ноябрда ташкил этилган ансамблимиз 1995 йилга келиб, халқ бадий жамоаси деган номга мушарраф бўлди.

Ўтган йили республика миқёсида бўлиб ўтган «Янги авлод» танловида жамоамиз ҳам энг сара рақслари билан иштирок этди. Кўпгина шаҳарларда ижодий сафарда бўлиб турибмиз.

Ўзгаллик инсонни эзгуликка ва комилликка ундайди. Шунинг учун сафдошларим ва шогирдларим ҳар бир рақснинг гўзал ва мукаммал бўлишига алоҳида эътибор билан қарашади.

Оромхон ҒОЙИПОВА,

«Истиклол» рақс халқ бадий жамоаси етакчиси



Бадий гимнастика — ҳаётимиз мазмуни

Навоийдаги 2-мактабда таҳсил оламан. Бир кун дугонамга қўшилиб, шаҳардаги ХТБга қарашли 4-БЎСМга бадий гимнастика машғулотини кузатгани бордим. У ерда Замира Ҳақбердиева ўнлаб мен тенги ёшларга сабоқ бераётган экан. Унинг хушмуомалалигини, тенгдошларимнинг нафис ҳаракатларини кузатарман, қизиқшим орти. Шундай қилиб, машғулотга қатнаш бошладим.

Дастлабки машғулотларда бироз толиқганимни ҳис этардим. Лекин вақт ўтиши билан қийинчиликлар билинмайдиган бўлиб кетди. Танлов, мусобақа ва байрам тадбирларидаги чиқишларимизни

синглим Нодира ҳам жон деб томоша қилишга борарди. Кейинги йилдан унинг ўзи ҳам мен билан бирга Замира опа раҳбарлигида гимнастика сирларини ўрганишга киришиб кетди.

Уйдагилар ҳам вақтимиз беқор ўтмаётганидан хурсанд олдик. Биз учун барча шароитни муҳайё қилиб беришди. Уқишда ҳам, уйда ҳам суҳбатимиз ўз-ўзидан спорт мавзусига улашиб кетарди.


Бу йил спорт мактабига қатнаш бошлаганимга 4 йилдан ошди. Ўтган йили мураббийларимиз мен ва синглимга катта ишонч билдириб, Гулистон шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақаси

республика босқичида қатнашганимизни таъминлашди. У ерда биз ишончини оқлашга ҳаракат қилдик. Натижа ёмон бўлмади.

Вилоятимиз терма жамоаси таркибига киритилганман. Вилоят биринчиликларида юқори ўринларни эгаллаб келаялман.

Синглим Нодира барча мусобақаларда ёнимда юради. Бу йил унинг учун омадлик келди. 25-30-март кунлари Наманган шаҳрида ўтказилган «Олтин водий» халқаро турнирида иштирок этиб, 1 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медалини кўлга киритиб қайтди.

Ҳозир ёшларга яратиб берилётган шароитга бефарқ



қараб туриш яхши эмас. Шунинг учун тенгдошларимга фурсатни бой бермасликни, ўзлари қизиққан спорт тури билан шуғулланишни маслаҳат бераман.

Умида МАНСУРОВА, Навоий шаҳар ХТБга қарашли 4-БЎСМ ўқувчиси

Зарафшон — санъати ривожланган, навиқрон, кўпмиллатли шаҳар. Унда 70 мингдан ошқ аҳоли яшайди. Баркамол авлод йилида ёшларга онд ишлар кўламини кенгаймоқда.



Ўтуқлар пойдевори

Мактабимизда 19 нафар малакали ўқитувчи 168 нафар ўқувчига музика ва санъат сирларини ўргатиб келмоқда. Шароитимиз яхши. Давлат дастури бўйича 2014 йилда 150 ўринга мўлжалланган янги бино қурилиши кўзда тутилган. Лекин аҳил жамоамиз ҳам кўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Муассасани ҳар жиҳатдан ораста, илҳосмандлар таъбиғи мос ҳолда сақлашга уринаялмиз. Бугунги кунда фортепиано, ўзбек ҳамда рус чолғулари бўйича машғулот олиб борилаётди. Галина Хусанова, Дилором Йўлдошева, Галина Мищенко сингари тажрибали ўқитувчилар ёшларга санъат сирларини кўнгил билан ўргатишмоқда.

Мактабимизда ҳар учала йўналиш бўйича эришилган натижалар ёмон эмас. Иқтидорли ўқувчиларимиз иштирокида чолғу ҳамда ашула ва рақс бадий жамоасини тузганмиз.

Улар бугун ўрганаётган билимлар келажақда эришажак ютуқларига пойдевор бўлишига ишонамиз.

Бехзод КУВОНДИКОВ, Зарафшон шаҳридаги 7-болалар музика ва санъат мактаби илмий бўлими мудир



Кўшсаҳифани «Ishonch» муҳбири Мансур АЛОВУДИНОВ тайёрлади.

Табиат ва биз

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2010 йилни «Бутунжаҳон биохилма-хиллик йили» деб эълон қилиниши замирида катта маъно яширинган. Экологик муаммо бугун бир давлат доирасидан чиқиб, бутун жаҳон миқёсида ҳал этилишини тақозо этмоқда. Табиатни муҳофаза қилишга нуфузли идоралар қатори кенг жамоатчиликнинг диққат-эътибори қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Шу ўринда савол туғилади, бизда экологик маданият қай даражада шаклланган?

Балиқлар арз қилолмайди

Атоқли шоиримиз Ғафур Ғулум Жиззах вилоятидаги Саъд Абу Вақос булоғидаги балиқларни кўриб ҳайратга тушганини ҳалигача нурунийлар гапириб юришади. Ушанда академик шоиримиз «Булоқ эмас, бу балиқ тўлдирилган тоғора...» дея лутф этган экан. Айтишларича, ўша пайтда нафақат булоқларда, ҳатто оддий ариқда ҳам балиқлар сероб бўларкан. «Ушқни сувга ташла, балиқ билади, балиқ билмас Холик билади». Ноннинг ушогини увол қилмай уларга беришни ўқитган буюм содда фалсафаси билан, энди билсам, биз невараларини табиатга меҳр билан тарбиялаган экан. Ҳозирчи, ариқ тугул анҳорда, ҳатто дарёда ҳам балиқлар қамайиб кетмоқда. Бунга браконер, юқори кучланишли ток билан ов қиладиган «балиқхўрлар», сувга захарли чиқиндиларни қўядиган ҳамюртларимиз ўз «ҳисса-сини қўшмоқда».

Йил-ўн икки ой Чиноздаги катта йўл ёқасида балиқ сотиб ўтирганларни кўрамиз. Балиқ овлаш тақиқланган ойларда ҳам уларни шу манзилда кўриб, таажубга тушасан киши. Ахир ҳозир балиқлар уруғ қўйиб урчиқдиган давр эмасми?! Шундай пайтда балиқ овлаш шахсий манфаатни табиат қонунидан устун қўйиш, бошқача айтганда, жаҳолат эмасми?!

Ҳозир айни баҳор, кўнгил тоғларни, қиру адирларни кўмсайдиган гўзал фасл. Инсон борки, бундай дамларда табиат бағрида бўлиб, унинг чиройидан баҳра олишни истайди. Аммо айни пайтда, тоғдаги лолаларни пайҳон этаётган, тоғу тош, дараклар бағрини ўйиб исмини ёзаётган, шовқин-сурон кўтариб қўшларни безовта қиладиган одамларни кўриб, ёқа ўшлайсан киши. Нима, улардаги экологик маданият шуми?! Ойнаи жаҳон, радио, газета-журналларда айтилаётган фикр-мулоҳазаларнинг таъсири қани?! Кўпчида ўрмон ҳўжалиги, боғлар, кўриқхоналарда бўлганимизда мутасаддилар сайру саёҳатга келиб-кетувчилардан, уларнинг она табиатга муносабатидан ҳасрат қилишади.

— Улар жуда кўп, ҳар бирига дашном беришининг иложи йўқ, — дейди зоминлик Бердимурод ота куйиниб. — Қани энди уларда инсоф-диёнат бўлса-ю, кўзни яшатиб турган арчаларни синдиришмаса, «Қизил китоб»га кирган гулу гиёҳларни юлишмаса. Бу қинғир ишни кўпроқ ўрта яшар, ҳамма нарсасга фахму фаросати етадиган кишилар қиладиган алам қиладиган кишига. Қачон уларда табиатга муносабат тарбияланади. Табиатни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг қонуний бурчимиз эмасми, ахир?!

Табиат бағрига саёҳат уюштириш режасини тузаётган мактаб, коллеж ва олийгоҳларнинг жамоалари бор. Саёҳатга чиқадиган аввал талабалар билан экологияни асраш бўйича суҳбат, табиатни севиш хислатларини уйғотувчи машғулотлар уюштириш зарур. Токи, табиат ошиғи унинг қўйнига меҳр-муҳаббат билан борсин! Гулларни топтамасин, даракларни синдирамсин! Аксинча, ўша ҳудудда табиатни асрашга ҳисса қўшадиган вақил эканлигини ҳис этсин!

Она ўз фарзандига алла-ю эртақлари, ўқитувчи шогирдига доно ўғитлари, санъаткор ёрқин асарлари орқали одамлар қалбида табиатга муҳаббат хисларини синдириши шарт. Бундай улғушдан ҳеч ким четда турмаслиги керак. Экологияга бўлган тарбиявий ишларимизни амалиёт билан боғлашни давр тақозо қилмоқда. Мустақиллик туфайли табиатни муҳофаза қилиш бўйича қанча қонун ва қарорлар қабул қилинди. Табиатга сўнгги йилларда кўрсатилган эътиборимиз туфайли лайлақлар юртимизда қишлар қоладиган бўлди. Жуда кўп қайвонлар, қўшлар юртимизга келтирилиб, шу ерда яшаб қолишига шароит яратилмоқда.

Ўзбекистон экологик ҳаракати матбуот гуруҳи раҳбари Тожидин Қамаровнинг маълумот беришича, олмахонлар Тошкент шаҳри хиёбонларига эркин яшаш учун келтирилди. Ҳиндистон тўтиқушлари боғларимизда сайрапти. Ноёб тур — оқ лайлақлар кўпайтирилмоқда.

...Она табиат бизнинг заминимиздан ўз марҳаматини аямаган. Парранда-ю дарранда дейсизми, минг дардга даво гиёҳлар, доривор ўтлар дейсизми, бари юртимизда бор. Уларни бойлик манбаига айлантириб, йўқ қилиб юбормаслигимиз зарур. Бозорларда кўп кўрганмиз: кўзойнакли илонни банкга солиб бемалол сотишади. Уларга ҳеч ким «Қизил китоб»га кирган бу живорони нега пуллаясан?» демайди. Кекса табиатшуносларимиз қоракурт, калтакесак, чаён, ўргимчанинг ноёб турлари ўғирлаб кетилаётганини куйиниб гапиришади. Улар тиббиётимиз учун зарур. Табиатда ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор. Улар бамисоли олтин халқа бўлиб, бир-бирини ушлаб туради.

Елғизлик яратганга ярашади. Бандаси табиатнинг жонзодлари, нозу неъматлари билан тирик. Табиатни асраб эканмиз, биз, энг аввало, ўзимизни эъзозлаётганимизни эсдан чиқармаслигимиз керак! Алишер Навоий бобомиз гул уруғи ерга тушиб чечак бўлди, кўрт жонидан кечиб ипак бўлди, деб лутф этади. Табиат бизга шунча марҳамат кўрсатган экан, биз ҳам унга муносиб бўлайлик!

Пардабой ТОҶИБОВ



Айни кунларда Қўрғонтепа туманидаги Қорасув шаҳрида бозорлар тўқинчилигини таъминлаб, харидор ва сотувчиларга қулай шартлар яратилган.

Истиқлол йилларида қад кўтариб, ўзига хос мейморий кийфа касб этган Қорасув шаҳар «Дехқон бозори» тобора кўркам ва гавжум бўлиб бормоқда. Аҳолини кундалик эҳтиёжи учун керакли бўлган қишлоқ хўжалиги, сабзавот ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан узулсиз таъминлаш мақсадида бозор қошида тайёрлов савдо харид корхонаси ишлаб турибди. Корхона шаҳар ва туман атрофидаги фермер хўжаликлари ва аҳоли томонидан етиштирилган сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартнома асосида етиштириш ва харид қилиш борасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Суратларда: сабзавот растасида тadbirkor Хусниддин Қосимов; нон растаси сотувчиси Одина Данева. Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар

Таъбир

Ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини янада ошириш, улар истеъдодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириш маънавиётук авлодни вояга етказишга хизмат қилиши ҳеч кимга сир эмас.

Китобга меҳр

Шу мақсадда, Учтепа тумани 81-умумтаълим мактабида «Эр-таклар яхшиликка етаклар» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Тadbirkor аввалида йиғилганлар эртақ қаҳрамонларининг саҳна кўринишлари ҳамда жажжи болажонларнинг қўшиқ


айтиб рақса тушишларини томоша қилдилар.

— Китоб — ўқувчиларни келажакка бошловчи зиё, кўп ўқиган ҳеч қачон хор бўлмайди. Айниқса, таътил даврида китоб ҳар бир боланинг доимий дўстига айланса, айни муддао бўларди, — деди мактаб

директори Зиёда Хайдарова. — Ушбу тadbirkor қайсидир маънода тумандаги 32 та умумтаълим мактабининг бир йил давомида амалга оширган ишлари ва тadbirkorларининг намоиши дейиш мумкин.

Танлов ғолиблари эсдалик совғалари билан тadbirkorланди.

А.ЭРГАШЕВ,
Иқром ҲАСАНОВ
олган суратлар



Орамиздаги одамлар

«Кексалик — бекорчилик эмас»

Мухаммадҷон Маҳмудов Марғилон шаҳри, Тошлоқ ва Охунбобоев туманлари, Фарғона шаҳрининг Қирғули мавзеси ҳаётига оид янгилик, аъна ва тadbirkorлар ҳақидаги мақола, хабар, лавҳалари билан республикамизнинг бир қатор нуфузли нашрларида қатнашиб келади.

Мухаммадҷон аканинг газетдаги фаолияти 1956 йилда, ҳали ўқувчилик вақтидаёқ бошланган бўлиб, биринчи мақоласи «Кўчат экиб, бог яратамиз» сарлавҳаси остида «Марғилон ҳақиқати»да чоп этилган эди.

«2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» муносабати билан Республика «Нуроний» жамғармаси Фарғона вилояти бўлими томонидан «Кексалик — бекорчилик эмас» танлови ўтказилган эди.

Яқинда ушбу танловнинг натижалари эълон қилинди. Унга кўра, марғилонлик жамоатчи муҳбир, меҳнат фахрийси, «Йўрмادўз» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги «Нуроний» жамоатчилик марказининг раиси, фидоий инсон Мухаммадҷон Маҳмудов махсус диплом ва соврин билан тadbirkorланди.

Абдуллажон ТОЛИПОВ,
Марғилон педагогика коллежи
ўқитувчиси, меҳнат фахрийси

Хизмат вазирамиз тез битиб, мафтункор Истамбул шаҳри бўйлаб сайр қилишни ихтиёр этдик. Устозим Малик Мурод (Худо раҳматига олган бўлсин!) кутаринки кайфиятда, костюмини ечиб, елкасига ташлаб олган. Мармара денгизи соҳилида аста одимлаб бораёямиз.

Соҳилнинг сўл томонида дўкону тамаддиҳоналар батариб жойлашган. Тушга яқин улардан бирон сокинроғида хордик чиқармоқчи эдик. Шу пайт рўпарамиздаги ошхонада хизмат кўрсатаётган, оқ халат ва силлиқ қалпоқча кийиб олган ошпаз йигитнинг бизга бош эгиб салом бераётганини кўриб қолдик. «Нега бизга таъзим қилиб, илтифот кўрсатяпти? Наҳотки таниётган бўлса?..» Бейхитёр ўша тамаддиҳона тарафга йўналдик. Хўрандалар бисёр. Ошпаз йигит ун қўлини кўксига қўйганча уларга мулозамат кўрсатиб, чап қўлига тоза лиқони олади. Кейин хўранда танлаган куюқ таомни митти чўмида чўян декчадан сўзиб, идишни иккала қўли билан ҳавога кўтаради. Таомли лиқони у қўлидан бу қўлига отиб, турли мақомларда ўйнатиб, сўнг хўрандага тутқазади... Унинг

Касбий маҳорат

бу ҳаракатлари саҳнада рол ўйнаётган актёрни эслатади. Биз танлаган чўпонкабоб ҳам ана шундай байрамона хушнудлик билан гулдор лалидан жой олди. Унинг чаққонлиги ва маҳоратига қўйил қолган домла бейхитёр: «Кандинги ур, ўғлим! Касбингга барака берсин!» — деди.

Овқатланиш пайти шуни англадикки, бизга билдирилган дастлабки ишорат, мулозамат яқин-атрофдан ўтувчи барчага тегишли экан. Тушлиқдан сўнг бозор айландик. Нишолдафурушлар растасида ҳар ким ўз молини кўкка кўтариб макташ, харидор чорлаш билан овора. Аммо бир нишолдачи жимгина қозонни кўзга эди. Маҳсулотининг таърифу тавсифи учун шошилмайди ҳам. Гоҳида узун

дастали чўпқурагига дошқозондаги нишолдадан олиб, чўпқуракни пештахтага зарб билан уриб қўяди. Маҳсулотнинг пастга оқиб тушмаганини кўрган харидорлар пухта ишлов берилган, ширадор экан деган хулосада харид учун сафланади.

Қиссадан ҳисса шуки, бозор иқтисодиёти шароитида замона тарозиси шиддат билан ўзгариб бормоқда. Бугунги қаричимиз эртанги ўлчамга тўғри келмайди. Қатор йиллар даромад манбаи бўлиб келган дўкондорлик, тижорат ишлари галма-гал касодга учраб, улар ўрнини янги омилдорлик эгаллаётир. Лекин нима бўлганда ҳам бундан чўчимаслик ва чекинмаслик керак. Балки тadbirkorликда омад деган нарсга ҳам бор демоқчидирсиз. Бу ҳам тўғри! Аммо касб-хўрандан келадиган барақани иккита устун тутиб туришини унутмаслик зарур. Бир — сидқидилдан қўлинган меҳнат. Иккинчиси — одамларга чексиз эҳтиром!


Мансур ЗОИР

Мулоҳаза

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши

Ўзбекистон Республикаси
Кон-металлургия саноати
ходимлари кўни билан
соҳа меҳнатқилларини
амалий муборакбод этади.

Барчангизга фаровон ҳаёт,
сиҳат-саломатлик,
оилавий бахт-саодат,
хонадонларингизга
тинчлик ва файзу барака тилайди.
Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини
юксалтириш ва мустаҳкамлаш,
Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши
йўлидаги сазй-ҳаракатларингизда
зафарлар тилайди.
Касб байрамингиз муборак
бўлсин, азизлар!



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib),

Ma'mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AIIAYOROV,

Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-87-73

Manzilimiz:

100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A. Qodirova

Navbatchi:

Sh. Abdusamadov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda mabta sifatida gazeta nomi ko'rsatishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.30

Byurogma Γ — 451

19089 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4